

Shu aziz Vatan — barchamizniki

ЎЗБЕКИСТОН



ОВОЗИ

IJTIMOIY-
SIYOSIY
GAZETA

■ 2004-YIL ■ 25-DEKABR ■ SHANBA ■ 156 (27.331) ■ uzbovozi@sarkor.uz ■ 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan.

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ

Давлат томонидан кафолатланган ва барча фойдаланиши
мумкин бўлган сифатли, бепул таълим ва тиббий хизмат
ТАРАФДОРИДИР!



АЗИЗ ВАТАНДОШЛАР!

Мана, ниҳоят ҳаммамиз орзиқиб, ҳаяжонланиб кутган тарихий воқеага атиги бир кун қолди. Эртага тонгданоқ яхши ният, орзу-умидлар билан сайлов участкаларига йўл оламиз. Ҳар биримиз ўзимиз ишонган, танлаган номзодлар учун овоз берамиз. Бугун сайланадиган депутатлар эртага сизу бизнинг, фарзандларимизнинг, мамлакатимизнинг ҳаётига дахлдор қонунларни яратишади, эркин фуқаролик жамияти, ҳуқуқий демократик давлат қуришдек олий мақсадларимиз йўлларини янада ойдинлаштиради, имкониятларни янада кенгайтиради.

Шунинг учун биз депутатликка номзод учун овоз беришда қариндош-уруғчилик, маҳаллийчилик ақидаларига ёки қайсидир амалдорнинг ноҳолис, ўз манфаати-

ни кўзловчи давлатларига эмас, балки виждон амрига қулоқ солишимиз зарур. Биз баландпарвоз ваъдаларга махлиё бўлмай, ўзимиз яхши билган, ишонган, одамлар муаммоларини ҳал этишга қаратилган ҳаётий дастурларга эга номзодлар учун овоз беришимиз лозим.

Овоз бериш яширин тарзда ўтади. Ҳар бир сайловчи овоз бериш хонасига ёлғиз ўзи киради ва унга фақат виждони, иймон-этиқоди ҳамроҳ бўлади.

Виждон ва иймон билан бажарилган иш ҳалол бўлади, адолатли бўлади.

Аҳолининг ижтимоий ёрдамга муҳтож қатламини, пенсионерлар, ногиронлар, ишсиз ёшлар, ҳарбий хизматчилар, ўқитувчи ва врачлар, илмий ходимлар манфаатларини ҳимоя этишга бел боғлаган Халқ демократик партияси сайловда Адолат ва Ҳалоллик тарафдори!

БОЛАЛАР ҚАЛБИГА ОРЗУ-УМИД УРУҒИНИ ҚАДАБ

Тошкентда «Сен ёлғиз эмассан» республика жамоатчилиги болалар жамғармаси ва «Енграг» халқаро гуманитар жамғарма ўртасида ҳамкорликка оид шартнома имзоланди.

Шартномада ушбу икки ноҳукумат ташкилот томонидан етим ва ногирон болаларга ёрдам кўрсатиш ҳамда Ўзбекистонда олиб бориладиган биргалликдаги фаолиятнинг самарали стратегиясини ишлаб чиқишда саъй-ҳаракатларни бирлаштириш, ишлаб чиқилган дастурларни амалга ошириш учун зарур ресурслар қидириб топиш ва керакли мутахассисларни жалб қилиш кўзда тутилган.

Шартнома «Сен ёлғиз эмассан» жамғармаси васийлик кенгаши раиси Лола Каримова ва «Енграг» жамғармаси директорлар кенгаши раиси Ким Енг Су томонидан имзоланди.

Ўзбекистонда қарийб саккиз йил давомида фаолият юритиб келадиган нуфузли хайр-эхсон ташкилоти бўлиши «Енграг» халқаро жамғармаси ўқиб қалбли болаларга меҳр-муруват кўрсатиш давлатини қўллаб-қувватлагани учун Ўзбекистон томонидан чўқур мамнуният билдирилди.

Шартнома имзоланган маросимда сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Светлана Иномова, АҚШнинг Ўзбекистондаги элчиси Жон Пурнелл, Корея Республикасининг Тошкентдаги элчиси Мун Ха-Енг бугунги кунда мамлакатни ривожлантиришга оид турли дастурларни амалга оширишда ўзаро саъй-ҳаракатларни бирлаштириш, бу ишда имкон қадар кўпроқ фуқаролар ва уларнинг бирлашмалари иштирок этмоғи лозимлигига эътибор қаратди.

Маросимда Ўзбекистон Республикасининг Бош вазирининг ўринбосари Рустам Қосимов ва республиканинг ҳарор вазириликлари раҳбарлари иштирок этишди.

Олег ШАТУНОВСКИЙ,
«Жаҳон» АА

МИСР ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ЮРТИМИЗДАГИ САЙЛОВЛАР ҲАҚИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайловлар мавзуси Миср оммавий ахборот воситалари диҳат марказида тўрибди.

«Ас-Сийёс» газетасида чоп этилган «Ўзбекистондаги сайловларда халқаро кузатувчилар иштирок этади» сарлавҳали мақолада парламент сайловларига тайёргарлик жараёни ниҳоятда юқори даражада ўтказилгани ҳақида хабар қилинади. Муаллиф сайловлар арафасида қатор халқаро анжуманлар ўтказилгани, уларда хорижий давлатлардан юзлаб экспертлар ва мутахассислар иштирок этганини эътибор этади. У, шунингдек, газета ўқувчилари эътиборини маъмурият сайловларда турли нуфузли халқаро ташкилотлар, институтлар, хорижий давлатлардан кузатувчилар ва экспертлар иштирок этишига эътибор қаратади.

«Ал-Манар» газетаси ҳам мамлакатимизда ўтказиладиган парламент сайловларини асосий мавзулардан бири сифа-

тида белгиланган. Мақолада мамлакатимизнинг жаҳон ҳам-жамиятида тўтган мавқеи, унинг кўна тарихи ва бугунги кунда бошидан кечираётган оламшумул ўзгаришлари, ўзбек заминидан етишиб чиққан уламоларнинг жаҳон цивилизацияси ривожига қўшган улкан ҳиссаси ҳақида батафсил маълумот берилган. Миср вакилларининг мамлакатимиздаги парламент сайловларида халқаро кузатувчи сифатида иштирок этаётгани эса халқларимиз ўртасидаги ўзаро ишонч ва ҳурмат белгиси сифатида тақдим этилган.

«Nile TV» ахборот каналда эфирга узатилган 45 дақиқалик махсус давра суҳбати «Ўзбекистондаги сайловлар: демократия ўфқлари» деб номланди.

Унда иштирок этган Миср ташқи сийбят кенгаши аъзоси Аҳмад Валий Ўзбекистонда жамият ҳаётининг барча жабҳаларини либераллаштириш ва демократик меъёрларни татбиқ этишдаги саъй-ҳаракатлар

халқаро стандартларга мос равишда босқичма-босқич амалга оширилаётганини айтиб ўтди.

Ўзбекистонда БМТнинг «Демократия ва маъмурий бошқарув» дастури раҳбари бўлиб фаолият кўрсатган Нур Фараҳат мазкур кўрсатувда сўзга чиқиб, ўзбек жамиятидаги илоҳотлар жараёни орқага қайтариб бўлмас тус олгани ҳамда ушбу ўзгаришларнинг тақдири нафақат мамлакат маъмурияти қўлида, балки фуқаролар ва партияларнинг сиёсий етуқлиги билан ҳамбарчас боғлиқлиги кетганини қайд этди.

Кўрсатувнинг яна бир иштирокчиси — «Ас-Сийёс» газетаси бош муҳаррири ўринбосари Мухаммад Салома эса мустақиллик мафқураси ва эскича шийорлардан ҳоли бўлган Ўзбекистонда мустақиллик йилларида илоҳотларнинг «Ўзбекча модели» ишлаб чиқилгани ва ҳозир у ўзининг самарасини бераётганини эътибор этди.

Маҳмуд БОБОНАЗАРОВ,
«Жаҳон» АА

КЕЛАЖАГИМИЗ ҚАНДАЙ
БЎЛИШИ, ТУРМУШИМИЗ
ДАРАЖАСИ, ҲАҚ-ҲУҚУҚЛАРИМИЗ
КАФОЛАТИ БУГУН БИЗ
КИМГА ОВОЗ БЕРИШИМИЗГА
БОҒЛИҚ



Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг
2004 йил 23 декабрдаги 234-сонли қарори билан тасдиқланган

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИГА САЙЛОВДА САЙЛОВЧИЛАРНИ ТУРГАН ЖОЙИДА ОВОЗ БЕРИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДА ЙЎРИҚНОМА

1. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 41-моддасига мувофиқ, айрим сайловчилар саломатлигининг яхши эмаслиги сабабли овоз бериш биносига кела олмаган ҳолларда, уларнинг илтимосига биноан, участка сайлов комиссияси комиссия аъзоларига овоз беришни ана шу сайловчилар турган жойида ташкил этишни топширади.
2. Сайловчилар турган жойида (яшаш жойида) овоз беришни ташкил этиш саломатлигининг яхши эмаслиги сабабли участка сайлов комиссиясига кела олмаган фуқаролар учун истисноли ҳолларда амалга оширилади.
3. Сайловчилар овоз беришни ана шу сайловчилар турган жойида ташкил этишни сўраб, участка сайлов комиссияси ташкил этилгандан сўнг исталган вақтда, сайлов кунда эса овоз бериш вақти тугашига кечи билан икки соат қолгунча мурожаат қилишлари мумкин.
4. Участка сайлов комиссияси сайловчиларнинг ёзма ёки оғзаки шаклдаги билдирган илтимосига биноан, бу шаклларнинг сайлов кунини турган жойида овоз беришни ташкил этади.
5. Сайловчилар турган жойида овоз беришни амалга оширишда участка сайлов комиссиясининг қамда уч ёки икки аъзосининг иштирок этиши шарт.

6. Сайловчиларнинг мурожаатларига асосланган ҳолда Ўзбошимчилик билан сайловчилар турган жойига улар томонидан овоз беришни амалга ошириш мақсадида ташриф буюришга йўл қўйилмайди.
7. Сайловчилар турган жойида овоз беришни ўтказиш учун бораётган участка сайлов комиссияси аъзолари ихтиёрида муҳрланган кўчма сайлов қўтиси бўлиши лозим.
8. Сайловчилар турган жойида (яшаш жойида) овоз беришни амалга оширишда ташвиқот юртиш тақиқланади.
9. Сайловчи турган жойига участка сайлов комиссияси аъзолари келган, сайловчи участка сайлов комиссиясининг аъзосига ўз шахсини тасдиқловчи ҳужжатни кўрсатади ҳамда сайловчилар рўйхатига имзо қўяди. Шундан кейин унга сайлов бюллетени берилади.
10. Сайловчилар турган жойида овоз беришни ташкил этиш «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисидаги» Ўзбекистон Республикаси Қонуни талабларига риоя қилган ҳолда ўтказилади.

Жузеппина Лаура МАДЖИ:

ЎЗБЕКИСТОНГА МАФТУНМАН

Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент давлат техника университетига Италиядан келган кузатувчилар билан учрашув дўстона ва салимий руҳда ўтди. Рим халқаро маданият «Лимучи» гуманитар университетининг профессори Жузеппина Лаура Маджи хоним ЎЗА мухбири билан суҳбатда ўз таассуротлари ҳақида шундай деди:

— Ўзбекистоннинг ички палати парламенти ўтиши жамиятни демократлаштириш йўлидаги катта қадамдир. Сийёсий партия-

лардан кўрсатилган депутатликка номзодларнинг ўттиз фоздан орттиги хотин-қизлар эканлиги — ҳам аёлларнинг, ҳам жамиятнинг катта ютуғи. Ўзбекистон хотин-қизлари жуда меҳнатқаш, улар орасида фан, маданият, иқтисод соҳасида фаол иш юритаётган юксак малакали вакиллар кўп. Улар мамлакатнинг янада гуллаб-яшнашига салмоқли ҳисса қўшмоқда.

Ўзбекистонга илгари ҳам келганман. Аммо бу галли ташрифим чоғида мен мамлакатингизга янада мафтун, махлиё бўлиб қолдим. У аҳойиб, меҳрибон, саховатли

инсонлар ватандир. Буюк Амир Темурнинг ворислари бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас. Айниқса, менга аёлларингизнинг гузаллиги, ойдек чеҳралари жуда ёқди. Ўзбекистон халқининг маънавий ва тарихий мероси, меъморийлигига қизиқишим катта.

Келгусида Тошкент давлат техника университети, Бухоро давлат университети каби олий ўқув юртингиз билан, аввало, гуманитар йўналишда ҳамкорлик қилиш ниятидаман.

Н.УСМОНОВА,
ЎЗА мухбири

УЧРАШУВЛАР, СУҲБАТЛАР, МУЛОҚОТЛАР

Мамлакатимизда 26 декабрь кунини бўлиб ўтган ялпи сайловларга жаҳон жамоатчилигининг қизиқиши тобора ортмоқда. Турли халқаро ташкилотлар, хорижий давлатларнинг расмий доиралари ва оммавий ахборот воситалари сайловлар жараёнини кузатиш мақсадида Ўзбекистонга ўз вакилларини юбормоқдалар. 24 декабрь кунини Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши биринчи котиби Асқиддин Рустамов Хитой Халқ Республикасидан келган кузатувчилар — ХХР Давлат кенгаши зуридаги Евроосиё ижтимоий ривожланиш институти директори ўринбосари Ван Сянцзюй ва мазкур институтининг илмий ходими Чжан Чжиминларни қабул қилиб, улар билан сайлов мавзусига доир масалалар юзасидан суҳбатлашди.

Ушбу кунлик партия раҳбари ҳузурда Мисрда чиқадиган «Ал-Ахром» газетаси муҳаррири Абдул Ҳалим Фазалий ҳам бўлиб, Ўзбекистон ХДПнинг парламент сайловларида иштироки билан боғлиқ саволларга жавоб олди.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашига Инсон ҳуқуқлари бўйича Британия Хельсинки гуруҳи бошқаруви раиси Марк Падрайг Алмонд, ушбу гуруҳ

директори Кристин Маргарет Стоун хоним ва гуруҳ бошқаруви аъзоси доктор Жон Лафлендлар ҳам ташриф буюрдилар.

Самимийлик руҳида ўтган суҳбатда меҳмонлар республикамизда амалга оширилаётган илоҳотлар ва ниҳоятда еттидан 2004 йил сайлов кампанияси, Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг Сайловолди Платформасида илгари сурилган фоя ва аниқ тақлифлар каби қўллаб масалалар билан қизиқиб, тегишли жавоблар олдилар.

Учрашувларда Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши котиблари М.Елшов, С.Усмонов, МК масъул ходимлари С.Қурбонов ва В.Абдусаматов иштирок этдилар.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши вакиллари, шунингдек, республика Олий Мажлисида шу кунини Мустақил Давлатлар Ҳамдустлиги Ижроия қўмитасидан келган бир гуруҳ кузатувчилар билан мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган сиёсий партиялар намояндалари ўртасида бўлиб ўтган мулоқотда иштирок этиб, партияимизнинг сайловолди сиёсатини тушунтириб бердилар.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясидан ОВОЗ БЕРИШНИНГ БОРИШИ ВА НАТИЖАЛАРИГА ОИД АХБОРОТ ТАҚДИМ ЭТИШ ВАҚТИ ТЎҒРИСИДА АККРЕДИТАЦИЯ ҚИЛИНГАН БАРЧА ЖУРНАЛИСТЛАР ВА КУЗАТУВЧИЛАР ДИҚҚАТИГА

2004 йил 26-27 декабрь кунлари Марказий сайлов комиссияси томонидан ахборотлар берилди:
Марказий сайлов комиссиясининг Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси 16-уйда жойлашган Матбуот марказида:
26 декабрь соат 13.00 да — овоз беришнинг соат 12.00 га бўлган ҳолати тўғрисида;
26 декабрь соат 17.00 да — овоз беришнинг соат 16.00 га бўлган ҳолати тўғрисида;
26 декабрь соат 22.30 да ва 27 декабрь соат 9.00 да — бўлиб ўтган сайловнинг дастлабки натижалари тўғрисида;

«Интерконтиненталь» сеймонхонасида:
27 декабрь соат 18.00 да — Марказий сайлов комиссияси раисининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига бўлиб ўтган сайловнинг дастлабки натижалари тўғрисида аккредитация қилинган барча журналистлар ва кузатувчилар иштирокидаги матбуот анжумани.

ХАЛҚ БАНКИ —
СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ

Хизматлар лицензияланган

**TOSHKENT SHAHAR
MUNITSIPAL BIRJA MARKAZI
MULKDORGA HAMKOR!**

Тел: 132-25-51, 133-46-61, Faks: 133-20-74
WWW.tshmbm.uz E-mail: info@tshmbm.uz va Birja@mail.tps.uz

Хизматлар лицензияланган

O'zbekiston havo yo'li

TOSHKENT
XALQARO
AEROPORTI

Хизматлар лицензияланган

ALQOBANK —
aniq, tez, ishonchli!

Tel: 137-23-98, 137-10-20, 134-75-57; Faks: 136-76-22
WWW.alqobank.uz E-mail: info@alqobank.uz

Хизматлар лицензияланган

Россия Федерацияси Давлат Думаси Ўзбекистон ва Россия ўртасидаги Стратегик шериклик тўғрисидаги шартномани ратификация қилди. Бу қарорнинг қабул қилинишини 425 нафар депутат қўллаб-қувватлади.

Шу куниёқ Давлат Думасида Ўзбекистондаги парламент сайловларига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди. Депутатлар А.Билалов ва Е.Заяшников россиялик журналистларга яқинда Давлат Думаси расмий хайъати таркибида Ўзбекистонга қилган сафари таассуротларини сўзлаб беришди.

РОССИЯ ДУМАСИДА ЎЗБЕКИСТОН КУНИ

А.Билалов Ўзбекистоннинг сайловларга тайёр эканини қайд этиб, ушбу сайлов кампаниясида бешта партия номзодлари тенг ҳуқуқлилик асосида қатнашаётганига эътибор қаратди. Россиялик меҳмонлар ушбу партияларнинг вакиллари билан учрашиш ва суҳбатлашиш имкониятига эга бўлдилар.

Матбуот анжуманида Ўзбекистондаги парламент сайловларида Россия Давлат Думаси ва Федерация Кенгашидан, МДХ ижрокүмидан 50 га яқин вакил халқаро кузатувчи мақомида иштирок этиши айтиб ўтилди. Россиялик депутатларнинг фикрича, кузатувчиларнинг вазифаси сайловларга оид турли-туман эътирозлар ўйлаб топши ёки сайловларнинг яқунларини башорат қилишдан иборат эмас. Балки Ўзбекистон Республикаси сайлов қонунчилиги талаблари қандай бажарилаётгани ҳолис тарзда кузатилиши керак.

«Жаҳон» АА

Кузатувчилар нигоҳи

Диетмар ЛУТЦ:

ЯНГИ ПАРЛАМЕНТ — ТАРАҚҚИЁТГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси кўйи палатасига ўтказиладиган сайловда Германиянинг Шлезвиг-Гольштайн федерал ери Ички ишлар вазирлигидаги қонунчилик бошқармаси раҳбари ҳамда Марказий сайлов комиссияси раиси Диетмар Лутц ҳам кузатувчи сифатида иштирок этади. Шу кунларда меҳмон ушбу тадбирга тайёргарлик жараёни билан танишаётир.

— Ўзбекистонга бундан 8 йил илгари ҳам келган эдим, — деди германиялик меҳмон. — Ўтган қисқа вақт мобайнида мамлакатингизда кўплаб ўзгаришлар амалга оширилди. Қонунчилик ва ижтимоий-сиёсий соҳаларда эришилган ютуқлар, айниқса диққатга сазовор.

Сайловнинг мамлакатингиздаги қонунчилик ва халқаро андозалардан келиб чиқилган ҳолда ташкил этилаётгани алоҳида эътиборга лойиқдир. Сайлов жараёнидаги очиқлик ва транспарентлик

эса Европа жамоатчилиги томонидан қизғин қарши олинаётир. Ушбу муҳим тадбирда кузатувчи сифатида иштирок этиш имкониятига эга бўлганимдан хурсандман.

Ўзбекистоннинг икки палатали қонунчилик тизимига ўтиш тўғрисидаги қарори муҳим воқеадир. Бу мамлакатингизнинг демократияни янада мустақамлаш учун тўғри йўл танлаганидан далолат.

Икки палатали парламент тизимининг шакллантирилиши Ўзбекистон тараққиётга янги суръат бахш этади, деб ўйлайман.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги академияси ўқитувчи ва тингловчилари билан учрашиб, бу ердаги таълим шароити билан танишдим. Ҳуқуқ-тартибот соҳаси учун малакали мутахассислар тайёрланадиган бу маскан менда ажойиб таассурот қолдирди.

Нодрбек ЎЛЖАБОВЕВ,
ЎЗА мухбири

Аҳмад Амин ВАЛИЙ:

«САЙЛОВГА ТАЙЁРГАРЛИК — ХАЛҚАРО ТАЛАБЛАРГА МОС»

Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига бўлажак сайловда кузатувчи сифатида иштирок этаётган меҳмонлар орасида Миср Араб Республикасидан келган вакиллар ҳам бор.

— Ўзбекистон йирик сиёсий тадбир арафасида турибди, — деди Миср ташқи ишлар вазирининг маслаҳатчиси Аҳмад Амин Валий. — Бу воқеа Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотларнинг халқаро меъёрларга қай даражада жавоб беришини яна бир қарра намён этади.

Сайлов участкаларида бўлиб, тайёргарлик жараёни билан танишдим. Ша-

роит барча халқаро талабларга жавоб беради. Энг муҳими, сайловнинг очиқ, ошқора ва ҳалол ўтишига жиддий эътибор берилаётганига гувоҳ бўлдим.

Ўзбекистонга биринчи келишим. Ўзбек халқининг меҳмондўст, очиқкўнгил, хушмуомалалиги менга жуда манзур бўлди.

Халқингиз мустақилликка эришганидан кейин барча соҳаларда улкан ўзгаришларни амалга оширибди. Айниқса, миллий ва маънавий қадриятларни тиклаш борасидаги ишлар диққатга сазовор.

Ўзбекистоннинг тупроғи — муқаддас. Бу юрда ум-

Фозилдин АРЗИЕВ,
ЎЗА мухбири

Чарупат РУАНГУСУВАН:

ЮРТИНГИЗГА ҲАВАС ҚИЛСА АРСИЙДИ

Таиланд Марказий сайлов комиссияси раисининг ўринбосари Чарупат Руангсуван ўз таассуротлари ва фикр-мулоҳазаларини шундай ифodalади:

— Кузатувчи сифатида мамлакатингизга тақлиф этилганидан хурсандман. Зеро, Ўзбекистондек қадимий ва афсонавий диёрни кўриш, зиёрат қилиш орузи уқувчилик йилларимданок қалбимга чуқур ўрнашган эди. Бугун ана шу оруз-ниятим рўёбга чиқди.

Мустақиллик йилларида мамлакатингизнинг қадимий тарихини теран ўрганиш, бой маънавий қадриятларни асраб-авайлаш масалаларига жиддий эътибор қаратилаётгани айни мудоадир. Шавкатли аждодларингиз ва буюк алломаларингизнинг қадамжолари обод этилиб, қадимий шаҳарларингизнинг неча минг йиллик юбилейлари дунё миқёсида кенг нишонланаётганига ҳавас қилса арзийди.

Парламент ислохотлари хусусида шунга алоҳида таъкидламоқчиманки, мамлакатингизда бу борада катта қўлданмиш ишлар, салмоқли янгиланишлар амалга оширилаётганига гувоҳ бўлдим.

Ишончим комилки, ана шу сазай-ҳаракатларингиз, эзгу интилишларингиз яқин йилларда ўз самарасини беради. Ўзбекистоннинг сайловлар натижасида шаклландиган янги, икки палатали парламенти жаҳон андозаларига тўла жавоб берадиган, замонавий, илғор ва ишчан парламент сифатида ўзини намён этади.

Қадимий цивилизация маконларидан бири бўлган юртингизнинг келажаги янада нурафшон эканига, Ўзбекистон яқин орада ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан изчил раванг топиб, жаҳоннинг энг бой ва тараққий этган мамлакатларидан бирига айланадиганига аминман.

Фулом МИРЗО,
ЎЗА мухбири

Партиямиз фаоллари ҳақида ҳикоялар

ОДАМЛАР ИШОНЧИ

Абдуғани Юсупов «Халқобод» агрофирмасига раис этиб сайланганида корхона ўта танг аҳволда эди. Каттиқ меҳнат қилиш, тер тўкишга тўғри келди. Натижада маҳсулот ишлаб чиқариш аввалги йилларга нисбатан беш баробарга ошди. Рентабеллик даражаси 140 фоизга кўтарилди. Кўпчилик шу даромадлар эвазига тўй қилди, янги уй солди, машина олди. Турмуш даражаси кўтарилди. Базиляр эса бу ерда бир сир бор, дея шўбхаланди. Чунки бундай бўлиши мумкин эмас, деган гап оралади. Шунда раиснинг ўзи Молия вазирлигига чиқиб, барчасини асослаб беришига тўғри келди.

Абдуғани ақанинг фаолиятини обдон кузатиб турган раҳбарлар ундан пахтачиликка ихтисослашган хўжаликлардан бирига ўтишини илтимос қилишди. У Ҳ.Турсунқулов номли жамоа хўжалигига иш бошлади. Хўжалик 9 йилдан буён бирорта шартномавий режани бажаролмай келарди.

Раис оdatдағидай мутахассислар билан маслаҳатлашди, талабчанлик билан интизомни йўлга қўйди. Натижада шу йилнинг ўзидаяқ хўжалик давлатга пахта сотиш шартномавий режасини бажариб, ўзини ўнглаб олди. Шундан сўнг, энди «Ниёзбош»га ўтасиз, деб туриб олишди катталар. «Ниёзбош» тумандаги энг йирик хўжалик, аммо иқтисодий жиҳатдан анча қолоқ эди.

— Ишни мавжуд аҳвол сабабини ўрганишдан бошладим, — дейди Абдуғани Юсупов. — Қарасам, кадрлар ўз ўрнига тўғри қўйилмаган. Агрономнинг ишини муҳандис, муҳандисникини бухгалтер бажариб юрган. Хар бирини жой-жойига қўйишга ҳаракат қилдим. Бундан ташқари мавжуд имкониятлардан фойдаланиш ҳам катта аҳамиятга эга. Мен келганимда бу ердагилар икки гектарлик иссиқхонанинг «устидан тупроқ тортиш» арафасида туришган экан. Шошманглар, бу катта фойда бериши мумкин, дедим. Банкдан 15 миллион 400 миң сўм қарз олиб, иссиқхонани қайта жонлантирдик. Қишда ҳам дастурхонларимиздан эндигина палақдан узилган сархил помидор, бодринг аримай турса ёмонми? Қолаверса, ўнлаб одамлар ишли бўлди, хўжалик эса бундан йилга 25 миллион сўм соф фойда кўрмоқда.

Қишлоғимиз ҳудудидаги 3 та болалар боғчасида 400 дан ортик бола тарбияланади. Улар учун йилга 25-30 миллион сўм маблағ ажратилди. Болаларимиз тарбиясига ўзимиз масъул бўлайлик деб боғчаларни ўз ҳисобимизда сақлаб қолдик. Мабодо, бир кун келиб уларнинг таъминотига кучимиз етмай қолса, кейин бир гап бўлар. Ҳозирча барча имкониятларимиз етарли.

Тўғриси, 30 миңдан ортик аҳоли истикомат қилаётган Ниёзбош қишлоғида одамлар аллақачон бозор иқтисодиётга мослашиб кетишган. Бир сотих ердан 1 миллион сўм даромад олиш

мумкин, деган гапга ишонмасангиз, «Ниёзбош»да бир меҳмон бўлинг. Хўжалик 1997 йил якунлари буйича 87 миллион сўм даромад қилган бўлса, 2003 йил якунлари буйича бу кўрсаткич 1 миллиард 427 миллион сўмни ташкил этади. Шундан нақд 400 миллиони соф фойда. Хўжалик ҳатто туман машина, трактор парк билан шартнома ҳам тузмаган. Чунки мавжуд 80 та техника бунга эҳтиёж сездирмайди.

Қишлоқдаги мактаблар, поликлиника, болалар боғчаларини жорий таъмирлаш учун уларнинг хар бирига 2 миллион сўмдан, жами 12 миллион сўм ажратилди. Шу йил 6 миллион сўм сарфлаб оталар чоёқхонаси қуриб фойдаланишга топширилди. Ҳозир «Ниёзбош»да катта спорт комплекси қуриш режалаштирилляпти. Бир миллиард сўмлик лойиҳанинг 500 млн. сўми хўжалик ҳисобидан бўлади.

Нўмонжон ОРИПОВ, Ўзбекистон Халқ демократик партияси Янгийўл туман кенгаши биринчи котиби:

— «Ниёзбош» ширкат хўжалигида партиямизнинг бошланғич ташкилоти фаолият кўрсатади. Унинг 132 нафар аъзоси бор. Абдуғани Юсупов партиямизнинг энг фаол, жонқур аъзоларидан. Бошқа партия вакиллари томонидан у кишига кўп тақлифлар бўлганидан хабарим бор. Аммо Абдуғани ака ўз сиёсий эътиқодини ўзгартирмадилар. Биз қандай хайрли ишни бошласак хар доим лаббай деб жавоб бериб, қўллаб-қувватлайдилар. Ўзлари хар доим халқнинг орасида юриб, уларни қийнаётган масалалар юзасидан кенгашимизга фикрлари, тақлифларини айтиб турадилар.

Иброҳим КҲҲҚОРОВ, «Ниёзбош» қишлоғидаги 13-ўрта мактаб директори:

— Ширкат хўжалиги ҳисобидан шу ҳудудда яшовчи 20 нафар талабага шартнома пуллари тўлаб берилляпти. Бу албатта, катта хайрли иш. 2003-2004 ўқув йилида мактаб битирувчилари билан учрашувда Абдуғани ака битирувчилар орасидан қанча йигит-қиз олий ўқув юртиларига шартнома асосида ўқишга кирса, барчасига ширкат хўжалиги ҳисобидан пул ўтказиб берилишини айтиди. Агар хорийда ўқимокчи бўлсаларинг, унинг ҳам харажатларини кўтаришга тайёрамиз деди.

Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан Халқ депутатлари Тошкент вилоят Кенгашига сайлов ўтказувчи 58-Ниёзбош сайлов округи буйича Абдуғани Юсуповнинг номзоди кўрсатилди. Тўғриси, сайловолди учрашуваридан ундан дастурини сўраганлар деярли бўлмади. Чунки унинг дастури, мақсади хар бир оила қозони қайнаб туриши, рўзғори бут бўлиши, орзу ҳавасига етиши учун имкониятга эга бўлиши учун курашиш эканини ҳамқишлоқларимиз яхши билишади.

Бехзод ШУКУРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

TURON BANK

Акциядорлик-тижорат

«ТУРОНБАНК»

Ўз акциядорларини, мижозларини ва барча Ўзбекистон аҳлини ЯНГИ — 2005 ЙИЛ билан чин дилдан табриклайди.

Ўзбекистон халқига бахт-саодат, омад, соғлиқ-саломатлик, тинчлик ва тотувлик тилаймиз.

Янги йилда барча эзгу ниятларингиз рўёбга чиқсин.

ТУРОНБАНК

Сиз билан, Сиз учун!

Акциядорлик-тижорат

«ТАДБИРКОРБАНК»

барча юртдошларимизни яқинлашиб келаётган ЯНГИ — 2005 ЙИЛ билан чин дилдан муборакбод этади. Улуғ Ватанимиз келажаги янада порлоқ, халқимиз дастурхонини янада тўкин бўлсин!

Акциядорлик-тижорат «Тадбиркорбанк» байрам муносабати билан юқори даромадли омонат турларини тақлиф этади. Сиз ўз сармоянгни бир ойдан уч йилгача бўлган муддатга жойлаштириб, йиллик 30 фоиздан 36 фоизгача даромад олиш имкониятига эга бўласиз. Ушбу омонатлар Сизнинг даромадингиз манбаидир.

Банкка қўйган пул маблағларингиз декларация қилинмайди ҳамда унинг ҳимояланishi Ўзбекистон Республикаси Қонуни билан кафолатланади.

Азиз юртдошлар!

«ТАДБИРКОРБАНК»

шунингдек Сизларга ўзининг янги ва қулай хизмат турларини тақлиф этади.

- ◆ «Тадбиркорбанк»нинг миллий валютадаги пластик карточкаси сизнинг ҳамёнингизни тўлдирувчи ягона тўлов хизмат туридир.
- ◆ Пластик карточканингизга иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларни белгиланган тартибда нақд пулсиз ўтказиш ва устама ҳақлар олиш имконияти мавжуд.
- ◆ Пластик карточкадан фойдаланиш учун сиз ўзингиз танлаган ва пластик карточка хотирасига киритилган паролдан фойдаланасиз ҳамда пластик карточкага доир маълумотлар сир сақланади.
- ◆ Пластик карточка эгалари карточкада мавжуд бўлган қолдиқ суммага хар ойлик устама 2 фоиз, йиллик капитализация ҳисобига 24 фоиз устама даромад оладилар.
- ◆ Шартнома асосида таълим олаётган талабаларнинг контракт тўловларини ҳам пластик карточка орқали нақд пулсиз амалга оширишингиз мумкин.
- ◆ Пластик карточканингиздаги маблағларни исталган вақтда республика бўйлаб ўратилган барча банкоматлар орқали нақд пулга айлантиришингиз мумкин.
- ◆ «Тадбиркорбанк» сўм пластик карточкасидаги маблағлар «Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг банкдаги омонатларини кафолатлаш фонди» томонидан кафолатланган.

Ўз имкониятингизни қўлдан бой бермай, «Тадбиркорбанк» пластик карточкасига эга бўлинг!

Бизнинг пластик карточкамиз — Сизнинг хизматингизда!

Мурожаат учун телефонлар: 173-05-79, 173-28-12.

Хизматлар лицензияланган

Тахририятимизга фуқароларимиздан сайловларга оид жуда кўп саволлар келди. Биз мутахассислар, Марказий сайлов комиссиясининг масъул ходимлари ёрдамида уларга имкон қадар жавоб қайтаришга ҳаракат қилдик. Бу сай-хара-катларимиз Сиз — азиз ўқувчиларимизнинг эртанги сайлов-лардаги иштирокингизга фойдаси тегад, деган умиддамиз.

Кеча тахририятимизга яна бир телефон қўнғироти бўлди.

«Ўтган сайловларда ишхонада бошлигимиз ҳамгани йинги фалон номзод учун овоз беринглар, деган эди. Биз у кишининг сўзларини ерда қолдирмадик... Ўша номзод депутат бўлиб сайланди ҳам. Лекин ундан бизга бирор наф текканини сезмадик. Бу гал бир қариндошим ўз номзодини қўйган. Аммо, унинг рақиб назаримда ундан ақлироқ ва сайланса кўпроқ фойдаси тегиши мумкин. Қариндошимга овоз бермасам, хафа бўлади, деб ўйлабман...»

У киши негадир ўзини таништиришни хоҳламади. Биз ушбу фикрга муносабат билдиришни сўраб, Марказий сайлов комиссиясининг матбуот хизмати масъул ходими Улуғбек ЮСУПОВга мурожаат этдик.

Сайловлар тўғрисида саволингиз борми? КИМГА ОВОЗ БЕРСАМ ЭКАН?

Бу сайловлар воситасида фуқаролар турли даражадаги вакиллик органларига ўз вакилларини сайлайдилар. Эр-тага мамлакат ҳаёти, Ватан тақдири бу вакилларнинг қай даражада ишлашига, билими, ақл-заковатига боғлиқ бўлиб қолади. Шундай экан, фақат ўзингиз маъқул, деб топган номзодингизга овоз беришингиз тўғри бўлади, деб ўйлай-миз. Қолаверса, ўз хоҳиш иро-дангизни эркин билдиришингиз қонун билан кафолатланган.

Энди кимнингдир илтимоси ёки қариндошлик муносабатларининг сайловдаги иштирокингиз таъсирига сайловчи бўлсак, бу ҳолатда ҳам ўз виждонингизга қарши бормаганингиз маъқул, билмак, илтимосларга қўлоқ солиб, бошқа томонга оғиб кетишингиз оқибатини ўзингиз ҳаётда кўрибсиз.

Қариндошим хафа бўлиши мумкин, деган мулоҳазага борадиган бўлсангиз, унинг ҳам йўли бор. Айтган сизнинг кимга овоз берганингизни ҳеч ким аниқлай олмайди. Чунки, сайлов бюллетенида сайловчининг исми-шарифи қайд этилмайди. Сиз кабинада кимни ёқлаб овоз бераётганингизни эса ҳеч ким назорат қилишга ҳаққи йўқ. Овоз бериш яширин тарзда бўлади.

ҲАССОС ШОИР ХОТИРАСИ

XX аср ўзбек шеърятда шоир Хайридин Салоҳнинг муносиб ўрни бор. У лирик шеърлари, дoston ва таржималари билан мухлисларга яхши таниш бўлиб, табиат кўичиси сифатида ном қозонган. Шоир ҳаёт бўлганда ҳозир 70 ёшга тўлар эди. Хайридин Салоҳ жисман орамизда бўлмаса ҳам шеърлари, дostonлари билан барҳаёт яшамокда.

Куни кеча Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университетида ҳас-сос шоир хотирасига бағишланган адабий кеча бўлиб ўтди. Уни Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раисининг биринчи ўринбосари Сирожиддин Саййид олиб борди. Кечада филология фанлари номзоди Шоира Исаева Хайридин Салоҳнинг ижодий йўли ҳақида маъруза қилди. Шоирнинг дўстлари профессор Ҳамиджон Ҳомидий, Ёқутхон, Хайдар Мухаммад, шоғирдлари Темури Убайдулла, Шукр Дадаш, Шавкат Туроб, Барот Исрои-л, адабиётшунос Ортиқбой Абдуллаев, Рустам Мусурмон ҳамда шоирнинг қизи Гулнозалар у ҳақда хотиралари, айрим асарларининг ёзилиш тарихини айтиб беришди. Шоирга бағишлаб ёзилган шеърлардан намуналар ўқилди.

Шеърят мухлисларида яхши таассурот қолдирган бу адабий кеча Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳамда Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика уни-верситети ташаббуси билан уюштирилди.

Юнус ЗИЁДОВ



«СПОРТ КАРВОНЛАРИ» МАМЛАКАТ БЎЙЛАБ

Болаларда спортга меҳр уй-ғотиш, соғлом турмуш тарзини шакллантириш учун шарт-шароитлар яратилиши бора-сида республика Халқ таълими вази-рлиги ҳузурдаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси талай ишларни амалга оширмоқда. Айни кунгача республикамизда юзга яқин спорт мажмуалари барпо эти-либ, мавжудлари қайта таъмирлан-моқда. Эътиборлиси, барча иншо-

отлар замонавий спорт анжомлари билан таъминланмоқда. Яқинда пойтахтимиздаги 315 та мак-табга ана шундай жиҳозлар етказиб берилди. Шу кунларда фойдаланишга топширилаётган 71 та спорт иншооти-ни жиҳозлаш мақсадида тендер сав-долари ўтказилди. Унда республика-мизнинг 30 дан ортиқ спорт ускуна-лари ишлаб чиқариш корхоналари иш-тирок этдилар. Улар орасида ғолиб деб топилган еттига корхона билан 500 млн. сўмликдан ортиқ спорт ан-жомлари ва ускуналари етказиб бе-

риш бўйича шартномалар имзоланди. Жамғарма томонидан ушбу тадбир-ни тез ва оқори савияда ўтказиш учун «Спорт карвон»лари ташкил этилди. Ҳозирда спорт анжомлари билан таъ-минланган «Спорт карвон»лари Самарқанд, Жиззах, Қашқадарё, Сир-дарё, Навоий, Наманган ва Фарғона вилоятларига етиб борди ва йил охи-ригача республикамизнинг қолган ви-лоятларига етказиб бериш режалаш-тирилган. Ушбу «карвон»лар жойлар-да тантанали кутиб олинмоқда.

Анвар САМАДОВ

Интер-спорт

РОНАЛДИНО — ЙИЛНИНГ ЭНГ ЯХШИ ФУТБОЛЧИСИ

Халқаро футбол федерацияси ҳар йили дунёнинг энг яхши футболчи-сини аниқлайди. Бу йилги овоз бе-риш жараёнида 157 терма жамоа-нинг мураббийлари ва сардорлари катнашди. Унга кўра, бразилиялик Роналдино 2004 йилда дунёнинг «Энг яхши футболчиси» деб топилди. Ҳозирда Испаниянинг «Барселона» жамоаси шарафини ҳумоя қилаёт-ган 24 ёшли ярим ҳимоячи сўровно-мада ўз «акаларини» ортда қолдир-ди.

— Номзодларнинг барчасини дунё-нинг энг яхши футболчилари деб би-ламан, — деди тақдирлаш мароси-мида Роналдино. — Фурсатдан фой-

даланиб, барча жамоадорларим ва мураббийларимга миннатдорчилик билдираман. Уларнинг ёрдамисиз мен бу даражага эришолмаган бўлар-дим.

«Арсенал» ҳужумчиси франциялик Терри Анри иккинчи бор бу унвонга эриша олмапти. Едингизда бўлса, у ўтган йил ҳам ҳамюрти Зайниддин Зиддан сўнг иккинчи ўринни эгал-лаганди.

Яқиндагина «Олтин тўп» соҳиби бўлган украиналик Андрей Шевчен-ко эса учинчи логонани банд этди. Сўровномада иштирок этганларнинг 89 нафари Роналдинони, 79 нафари Анрини биринчи ўринга лойиқ деб



топишди. Бор-йўғи 34 катнашчи Шевченкони ёқлаб овоз беришган. Ўтган йил дунёнинг энг яхши фут-болчиси деб топилган Зайниддин Зидан ва «Олтин тўп» соҳиби чехия-лик Павел Недвед кейинги ўринлар-дан жой олди.

Ҳикматли сўзлар МАЪНОСИ

ТОМА-ТОМА КҮЛ БҮЛАР, ТИЙИНЛАРДАН СҮМ БҮЛАР

«Киши тирикчилик учун зарур бўлган нарсалар ва маблағ-ларни оз-оздан бўлса ҳам жамғара бориши, тежаб-тергаб сарфлаши лозим», деган маънода айтиладиган бу мақолнинг қуйидаги вариантлари ва маънодошлари бор: «Тома-тома кўл бўлар, бирин-бирин минг бўлар», «Тома-тома кўл бўлар, кема юрар йўл бўлар», «Тома-тома кўл бўлар, оқа-оқа сел бўлар», «Тома-тома кўл бўлар, ҳеч томмаса чўл бўлар», «Кўп томчидан кўл бўлар», «Сувнинг боши — қор, ботмоннинг боши — мискол», «Тийинлардан сўм бўлар, мисколлардан — бот-мон», «Танга тийиндан ўсар», «Йилки қулундан ўсар», «Той отга етказар, от — муродга», «Ўтин деган — чўп бўлар, тера-версанг кўп бўлар», «Ўтин йиғсанг пул бўлар, ўтга ёқсанг кўл бўлар», «Чораклаб йиғилади, ботмонлаб ёйилади» (чорак — баъзи жойларда беш пудга, баъзи жойларда беш қадқоққа, яъни икки килограммга тенг бўлган оғирлик ўлчов бирлиги), «Тийин қадрини билмаган — сўм қадрини билмас», «Тийин тангани сақлайди», «Тийин, тийиннинг иши қийин», «Қўр бўлмаса, кўт бўлмаса», «Қўр кетди — кўт кетди» (қўр — жам-ғарма, кўт — барака).

ТОПГАН ГҮЛ КЕЛТИРАР, ТОПМАГАН — БИР БОҒ ПИЁЗ, ТОПГАН ҚҮЙ КЕЛТИРАР, ТОПМАГАН — ЖҲЖА ХҲРОЗ

«Биров сени сийлаб, бир нима совға қилса, у каттами, кичи-кими, яхшими, ёмонми — олавер, рад этма, арзимаслигидан хафа бўлма, келтирган одамни ранжитма ҳам. Негаки, ҳар ким ҳоли-қудратига яраша совға, ҳадя қила олади», деган маънода айтил-ган. «Топган — ниёз, топмаган — пиёз», (ниёз — хайр-садақа), «Чумолининг совғаси — чигиртканинг оёғи», «Совғанинг катта-кичиги бўлмас», «Игна ҳам — ниёз, инган ҳам — ниёз» (инган — она туй), «Туй ҳам — совға, туйга ҳам — совға», «Дўстдан ҳар нима тегса — савғот», «Сийлаб сув берса ҳам — ич».

Тошкент шаҳар Соғлиқни сақлаш бош бошқармаси то-монидан 2004 йил декабрь ойда Ақмал Икромов туман худудий тиббиёт бирлашмасига берилган сериялари — У-23, рақамлари № 698951 дан № 699000 гача бўлган 50 (эллик) дона касаллик варақаси йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Ер муносабатларини ва Қўчмас мулк кадастрини тартиб-га солиш Бош бошқармаси томонидан тайёрланган Тош-кент шаҳар Ақмал Икромов туманида жойлашган «Шавкат-Нур» хусусий корхонасига 2001 йилда берилган Ер кадаст-ри ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

«Маданий моллар» масъулияти чекланган жамияти жамоаси корхона раҳбари Собиржон Маҳмудович Маҳмудовга олмас

Хатирaxon ва ҲАКИМОВАнинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия ихзор этади.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши

КУРОРТЛАР БОШҚАРМАСИ

мамлакатимизнинг барча фуқароларини кириб келаётган Сихат-саломатлик йили — Янги 2005 йил байрами билан муборакбод этади. Шаҳар ва қишлоқларимиз обод, халқимиз бой-бадавлат, Ватанимиз буюк бўлиб бораверсин.

Бошқарма тасарруфида фаолият юритаётган шифобахш, табиий иқлимга, маъданли сувларга ва барча даволаш имкониятларига эга бўлган санаторий ҳамда курорт муассасаларида даволаниш ва дам олишга Сизларни чорлаймиз.

Қорақалпоғистон Республикасида:

«ГУЛПАРШИН» САНАТОРИЙСИГА

Даволаниш учун кўрсатма:

Юрак-қон-томир, ҳаракат, ҳазм аъзолари, асаб тизими, гинекологик касалликлар.

Махсус йўлланма бўйича ота ёки она 4 ёшдан 14 ёшгача бўлган бир фарзанди билан давола-ниши мумкин.

«АЙДОС ҚАЛА» САНАТОРИЙСИГА

Даволаниш учун кўрсатма:

Юрак-қон-томир, ҳаракат-таянч аъзолари, асаб тизими, гинекологик ва тери касалликлари.

Тошкент шаҳрида:

«ТУРОН» ОАЖ САНАТОРИЙСИГА

Даволаниш учун кўрсатма:

Юрак-қон-томир, асаб, гинекологик ва андро-логик касалликлар.

«ЧИНОБОД» ОАЖ САНАТОРИЙСИГА

Даволаниш учун кўрсатма:

Ҳазм аъзолари, қанд (диабет) ва гинекологик касалликлар.

Тошкент вилоятида:

«БОТАНИКА» САНАТОРИЙСИГА

Даволаниш учун кўрсатма:

Юрак-қон-томир, асаб (марказий ва перифе-рик) тизими ва ҳазм аъзолари касалликлари.

Махсус йўлланма бўйича ота ёки она 4 ёшдан 14 ёшгача бўлган бир фарзанди билан давола-ниши мумкин.

«БЎСТОН» САНАТОРИЙСИГА

Даволаниш учун кўрсатма:

Юрак-қон-томир, асаб, гинекологик ва андро-логик касалликлар.

«УМИД ГУЛШАНИ» САНАТОРИЙСИГА

Даволаниш учун кўрсатма:

Гинекологик ва андрологик касалликлар.

«ОҚТОШ» САНАТОРИЙСИГА

Даволаниш учун кўрсатма:

Нафас аъзоларининг силга алоқадор бўлмаган касалликлари.

Махсус йўлланма бўйича ота ёки она 4 ёшдан

«КОСОНСОЙ» МЧЖ САНАТОРИЙСИГА

Даволаниш учун кўрсатма:

Қон-томир, ҳаракат, ҳазм аъзолари ва асаб тизими касалликлари.

«НИҲОЛ» МЧЖ САНАТОРИЙСИГА

Даволаниш учун кўрсатма:

Ҳаракат, ҳазм аъзолари, асаб тизими, ўт пу-фаги ва буйрак тош касалликлари.

Самарқанд вилоятида:

«АБУ АЛИ ИБН СИНО» САНАТОРИЙСИГА

Даволаниш учун кўрсатма:

Қон айланиши, ҳаракат аъзолари, катталар ва болалар асаб тизими касалликлари.

Махсус йўлланма бўйича ота ёки она 4 ёшдан 14 ёшгача бўлган бир фарзанди билан давола-ниши мумкин.

Фарғона вилоятида:

«ЧИМЁН» МЧЖ САНАТОРИЙСИГА

Даволаниш учун кўрсатма:

Қон айланиши, ҳаракат аъзолари, асаб тизи-ми, гинекологик ва андрологик касалликлар.

Махсус йўлланма бўйича ота ёки она 4 ёшдан 14 ёшгача бўлган бир фарзанди билан давола-ниши мумкин.

Хоразм вилоятида:

«ХОНҚА» САНАТОРИЙСИГА

Даволаниш учун кўрсатма:

Юрак-қон-томир, асаб тизими, ҳаракат аъзо-лари, гинекологик ва тери касалликлари.

ДАВОЛАНИШ МУДДАТИ — 18 КУН.

Йўлланмаларимиз Марказий Осиёда энг ар-зон йўлланмалардир!

Касаба уюшма ташкилотларига йўлланмалар қўшимча тўловларсиз ўз нарҳида сотилади. Шу билан бирга Курортлар бошқармаси Ўзбеки-стон худудига жойлашган барча санаторий ва дам олиш масканларига, шунингдек, МДҲдаги курортларга йўлланмалар олишингизга ёрдам беради. Йўлланмаларни нақд пулга ва пул ўтқа-зиш йўли билан олишингиз мумкин.

Манзилими: Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 24-уй. Мурожаат учун телефонлар: 56-85-68, 56-70-97.

Хизматлар лицензияланган

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV
TAHRIR HAY'ATI:
Abdulla ORIPOV
Asliddin RUSTAMOV
Ashur QODIROV
Bobir ALIMOV
Habib SA'DULLA
Norbobo SHAKAROV
(Bosh muharrir o'rinbosari)
Alimqul SULTONOV
(Bosh muharrir o'rinbosari)
Andrey ORLOV
(Bosh muharrir o'rinbosari «Golos Uzbekistona»)
Nomoz SA'DULLAYEV
Qaipbergenov
Musliddin MUHIDDINOV
Olim MURODOV
Abdug'ani MAMASODIQOV
(Mas'ul kotib)
MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI
BO' LIMLAR:
Siyosat, partiya va xalqaro hayot
133-44-55
Ma'naviyat va ma'rifot
133-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot
133-20-36
Parlament va huquq
136-76-21
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik
133-21-43
Xotlar va ommaiviy ishlar
133-12-56 (Tel. Faks)
Mas'ul kotib
133-72-83
Reklama va e'lonlar
133-38-55, 133-47-80
VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda —
25-32-70
Buxoroda —
222-10-92
Gulistonda —
25-03-80
Jizzaxda —
5-49-85
Navoiyda —
3-39-20
Namanganda —
6-43-43
Nukusda —
222-70-15
Samarqandda —
35-20-54
Urganchda —
226-51-35
Farg'onada —
26-43-62
Termizda —
3-79-98
MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.
Navbatchi: Shehoydar MIRHABIBOV
Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida teriladi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchi: Ikomjon ISMOILOV
«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etildi.
Korxonani manzili:
Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida
008-raqam bilan ro'yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.
G — 257
7257 nusxada bosildi
t — Tijorat materiali
O'ZA yakuni — 21.00
Topshirish vaqti — 02.00
2 3 4 5 6
Sotuvda erkin narxda